

“КЕЛАЖАК” ЁШ ОИЛАЛАРНИНГ ҲАЁТИНИ ВА МОЛ-МУЛКЛАРИНИ КОМПЛЕКС СУҒУРТА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ШАРТЛАР

1.1. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига сақлаш учун топширилган 1, 3, 8 ва 9-класс суғурта қилиш қоидаларига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, мол-мулкни ва бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилишнинг асосий шартларини белгилайди.

1.2. “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси АЖ (кейинги ўринларда «Суғурталовчи» деб аталади) жисмоний шахслар билан мол-мулкни ва бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш шартномаларини тузиб, уларнинг асосида Суғурта қилдирувчининг ёки суғурта шартномасида кўрсатилган бошқа шахснинг (Суғурталанган шахснинг) мол-мулки, соғлиғи ва ҳаётига зарар етказилганда суғурта тўловларини амалга оширади.

1.3. Ушбу Қоидаларда фойдаланилган атамалар куйидагича таърифланади:

Суғурта шартномаси – ёзма ёки электрон кўринишга эга келишув бўлиб, унга биноан Суғурталовчи шартнома билан келишилган тўлов (суғурта мукофоти) эвазига шартномада кўрсатилган воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда суғурта таъминотини (суғурта пулини) тўлаш мажбуриятини олади.

Суғурталанган шахс – мол-мулки, ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ мулкӣ манфаатлари суғурта объекти бўлган ва фойдасига суғурта шартномаси тузилган жисмоний шахс.

Суғурта полиси – суғурта шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи, Суғурта қилдирувчига суғурта мукофоти тўлангандан кейин бериладиган ҳужжат.

Наф олувчи – Суғурталанган шахснинг ёзма розилиғи билан, ёки онлайн сотув орқали суғурта полиси сотиб олган тақдирда электрон кўринишдаги розилиғи билан тузилган суғурта шартномасига кўра суғурта тўловини олувчи жисмоний ёки юридик шахс.

Суғурта шартномасида Наф олувчи кўрсатилмаган бўлса ва Суғурталанган шахс ҳалок бўлса, Суғурталанган шахснинг меросхўрлари Наф олувчи бўладилар.

Суғурта пули – суғурта шартномасида белгиланган ва Суғурталовчининг Суғурта қилдирувчи олдидаги мажбуриятларининг чегарасини англатадиган пул маблағлари суммаси.

Суғурта мукофоти – Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ушбу Қоидаларда кўрсатилган тартиб ва муддатларда тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов.

Суғурта товони – Суғурталанган шахс ёки Наф олувчига суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта пули чегарасида тўланадиган пул маблағлари.

Бахтсиз ҳодиса – одам организмга ташқи таъсир кўрсатган ва травматик жароҳатга ёки соғлиғига бошқа зарар етишига олиб келган, Суғурталанган шахснинг иродасига боғлиқ бўлмаган равишда тўсатдан, қисқа вақт оралиғида содир бўлган воқеа.

Соғлиғига бошқа зарар етиши:

а) куйиш, яшин уриши ёки электр токининг таъсирида тан жароҳатлари олиш;

б) кимёвий (саноат ёки маиший) моддалардан заҳарланиш ва/ёки заҳарли ва/ёки куйдирадиган моддалар, буғ ёки газлардан нафас олиш ёки уларга тегиш натижасида заҳарланиш, куйиш;

в) совуқ уриши, чўкиш, одам ёки ҳайвонларнинг ҳужуми, куёш уриши, нарсаларнинг нафас йўлларига тўсатдан кириб қолиши, заҳарли ўсимликлардан ўткир заҳарланиш, шунингдек транспорт воситаларида (автомобиль, поезд, трамвай ва б.) ёки улар фалокатга учраганда, машиналар, механизмлар ва турли хил асбоб-ускуналардан фойдаланганда олинган жароҳатлар.

Суғурталанган мол-мулк – суғурта жойида бўлган ва ушбу Шартноманинг 2-илоvasида кўрсатилган мол-мулк.

Куйидагилар ушбу Шартноманинг 2-илоvasида кўрсатилган бўлса ҳам суғурталанган мол-мулк ҳисобланмайди:

- пуллар, олтин қуймалар, тангалар, чеклар, маркалар, қимматбаҳо тошлар, санъат асарлари, антиквариат, қимматли қоғозлар, облигациялар;

- ҳайвонлар, қушлар, балиқлар ва бошқа тирик мавжудотлар;

- ўсимликлар (экилган ёки экилмаганлигидан қатъий назар);
- ер (шу жумладан тупрокнинг устки қатлами, уйумлари, дренажлар, сирти, суғориш тизимлари).

Суғурта даври – суғурта шартномасида кўрсатилган, Суғурталовчи мажбуриятлари амалда бўладиган давр.

II БЎЛИМ. СУЎРТА СУБЪЕКТИ

2.1. Ушбу Қоидалар бўйича Суғурта қилдирувчилар – Суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузган ва Суғурталовчига суғурта мукофотларини тўлаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва тўла фуқаролик лаёқатига эга фуқаролиги бўлмаган шахслардир.

2.2. Ушбу Қоидаларга биноан Компания Суғурталовчи бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширади.

III БЎЛИМ. СУЎРТА ОБЪЕКТИ

3.1. Ушбу Қоидаларга мувофиқ Суғурталанган шахснинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган, мол-мулки, ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ мулкӣ манфаатлари суғурта объектидир.

IV БЎЛИМ. СУЎРТА ҲОДИСАЛАРИ

4.1. Ушбу Қоидаларга мувофиқ суғурта ҳодисаси бўлиб юзага келган қуйидаги воқеалар ҳисобланади:

4.1.1. бахтсиз ҳодиса (шу жумладан, йўл-транспорт ҳодисаси, ис газидан заҳарланиш) натижасида етган зарар;

4.1.2. мол-мулкнинг тасодифий жисмоний зарарланиши ёки нобуд бўлиши.

Табиий офатлар юз бериши натижасида суғурталанган мулкнинг тўлиқ ёки қисман зарарланиши, йўқолиши ёки нобуд бўлиши қуйидаги ҳодисалар натижасида юз берса суғурта ҳодисаси ҳисобланади:

Шамол, тезлиги 15,0 м/с дан юқори бўлган шамол ҳисобланади;

Ёмғир, 12 соат ёки ундан кам вақт оралиғида ёғингарчилик миқдори 15 мм ва ундан баланд бўлганда;

Қор, 12 соат ёки ундан кам вақт оралиғида қор ёғиш миқдори 20 мм ва ундан баланд бўлганда;

Зилзила, Рихтер шкаласи бўйича 4,5 балл ва ундан юқори кучга эга бўлган зилзила.

4.2. Ушбу Шартномага мувофиқ қуйидагилар суғурта ҳодисалари ҳисобланмайди ва улар бўйича суғурта товони тўланмайди:

а) ҳаваскорлик ёки профессионал асосда расмий спорт тадбирларида (мусобақаларда) ёки спорт билан мунтазам шуғулланиш билан боғлиқ бошқа тадбирларда (машқлар, кўргазма чиқишлар, йиғинлар ва ҳ.) иштирок этиш, парашютда сакраш, шунингдек ҳаёт ва соғлиққа юқори даражадаги хавф билан боғлиқ бошқа тадбирлар натижасида рўй берган ҳодисалар;

б) Суғурталанган шахс алкоголь, гиёҳванд ёки токсик моддалардан маст бўлиши, транспорт воситасини маст ҳолатда бошқариши;

в) ўз жонига қасд қилиш ёки ўз жонига қасд қилишга уруниш;

г) тергов идоралари ёки суд томонидан Суғурталанган шахснинг ҳаракатларида қасддан қилинган жиноят аломатлари аниқланиши;

д) тергов идораларининг ёки суднинг қарори билан Суғурталанган шахс майда безориликда ёки муштлашишда айбдор деб топилса, Суғурталанган шахс ўз фуқаролик бурчини адо этиши ёки ўзининг ёки учинчи шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни ва обрўсини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаракатлари бундан мустасно;

е) ташҳис қўйиш, даволаш ва профилактика чораларининг (шу жумладан дорилар инъекциясининг), агар улар бахтсиз ҳодиса натижасида келиб чиққан травматик жароҳатни даволаш билан боғлиқ бўлмаса, нохуш оқибатлари;

ж) ҳамма турдаги касалликлар, шу жумладан касб ва юқумли касалликлар, тери-таносил касалликлари, шу жумладан ОИТВ ва ОИТС, шунингдек дори-дармонлар ва озик-овқатларни истеъмол қилишдан келиб чиққан касалликлар;

з) мол-мулкнинг куя, паразитлар, термитлар ёки бошқа ҳашаротлар, табиий камчиликлар, яширин нуқсонлар, табиий эскириш, касалланиш, занглаш, қуруқлик ва намлик натижасида емирилиши, моғорлаши, атмосфера намлиги натижасида, смог ёки ҳаво ҳарорати таъсирида зарарланиши ёки nobуд бўлиши;

и) ишлов бериш, янгилаш ёки таъмирлаш натижасида суғурталанган мулкнинг зарарланиши, nobуд бўлиши;

к) суғурталанган мулкнинг қуриб қолиши, парланиши, оғирлигини йўқотиши, ёруғликка таъсирчанлиги, ранглари, кўриниши ёки таъми ўзгариши натижасида зарарланиши ёки nobуд бўлиши;

л) электр таъсирида зарарланиш ёки электр асбоб ускуналарининг ишдан чиқиши, ёки электр симларининг сунъий равишда ишлаб чиқариладиган электр қуввати таъсирида зарарланиши;

м) сантехника тизимларининг бузилиши натижасида сув тошиши, лекин бундай зарарлар истисно қилинмаган бошқа қалтисликлар оқибатида келиб чиққан бўлса, улар ушбу Шартномага биноан қопланади;

н) суғурталанган мулк ўзининг доимий жойидан ташқарида қолдирилган ҳолатлардаги ўғирлик ёки об-ҳавонинг салбий таъсири оқибатида келиб чиққан зарарланиш ёхуд nobуд бўлиш;

о) Суғурта қилдирувчининг ёки ушбу Шартномадан манфаатдор бўлган шахснинг суғурта ҳодисасини келтириб чиқариш учун қасддан қилган хатти-ҳаракатлари ёки қўпол эҳтиёткорсизлиги;

п) мол-мулкни олиб қўйилиши ёки йўқ қилиниши, мусодара, реквизиция қилиниши, ҳукуматнинг топшириғига мувофиқ ер участкаларини олиб қўйилиши, натижасида етказилган зарарлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлган ҳолларда.

4.3. Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда ҳам суғурта қопламасини тўлаш мажбуриятидан озод бўлади.

V БЎЛИМ. СУҒУРТА ПУЛИ

5.1. Суғурта пули, агар амалдаги қонунчиликда ёки суғурта шартномасида бошқа шарт кўрсатилган бўлмаса, томонлар келишувига биноан белгиланади.

5.2. Агар Суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси билан бир неча шахсни суғурталаса, суғурта шартномасида ушбу Қоидалардаги шартларга мувофиқ суғурталаниши лозим бўлган ҳар бир Суғурталанган шахснинг суғурта пули кўрсатилади.

5.3. Агар Суғурта қилдирувчига ёки Наф олувчига суғурта тўлови амалга оширилса, суғурта пули ушбу суғурта тўлови миқдорида камаяди.

VI БЎЛИМ. СУҒУРТА МУКОФОТИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Суғурта мукофоти суғурта пули ва суғурта тарифидан келиб чиқиб белгиланади.

6.2. Суғурта тарифи суғурта пулига нисбатан олинган фоизлардаги суғурта мукофотининг бир йиллик ставкасидан иборат.

6.3. Алоҳида ҳолларда Суғурталовчи суғурта мукофотини аниқлашда суғурта қалтислигининг тавсифи, суғурта мажбуриятларининг ҳажми, суғурта даври ва қалтислиги даражасига таъсир этувчи бошқа омилларни ҳисобга олиб ҳисобланадиган асосий суғурта тарифларига нисбатан оширувчи ва камайтирувчи коэффициентларни қўллаши мумкин.

6.4. Суғурта қилдирувчига асосий тарифлар ва уларга нисбатан белгиланган коэффициентларга асосан ҳисобланган суғурта мукофотидан чегирмалар берилиши мумкин.

6.5. Суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотининг умумий миқдори ҳар бир Суғурталанган шахс учун белгиланган суғурта мукофотларининг йиғиндисидан иборат. Ҳар бир Суғурталанган шахснинг суғурта мукофоти суғурта пули ва суғурта тарифидан келиб чиқиб белгиланади.

6.6. Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта даври учун бир вақтнинг ўзида тўлиқ нақд пул ёки пул ўтказиш орқали тўланади. Суғурта мукофоти тўланган кун бўлиб, пул маблағлари Суғурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушган кун ҳисобланади.

VII БЎЛИМ. СУЎУРТА ШАРТНОМАСИ

7.1. Суғурта шартномаси Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти қонунчиликка зид бўлмаган услубда бир йўла тўланиши ва Суғурталовчи вакили томонидан суғурта полисини ушбу Қоидалар билан биргаликда Суғурта қилдирувчига бериш йўли билан тузилади.

7.2. Суғурта шартномаси бир йил муддатга тузилади.

7.3. Суғурта муддати ва Суғурталовчининг суғурта мажбуриятлари суғурта полиси Суғурта қилдирувчига берилган пайтдан бошлаб кучга киради ва 1 (бир) йил мобайнида амалда бўлади. Суғурта муддати давомида суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда, Суғурталовчининг ушбу полис бўйича мажбурияти содир бўлган суғурта ҳодисаси учун тўланган суғурта товони миқдорига камаяди.

7.4. Суғурталовчи ўз мажбуриятларини бузган тақдирда Суғурта қилдирувчи ташаббуси билан шартнома муддатидан олдин бекор қилинса, тўланган суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчига тўлиқ миқдорда қайтарилади. Суғурталовчи мажбуриятларини бузмаган бўлса, фойдаланилмаган суғурта муддати учун ҳисобланган суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчига қайтарилмайди. Агар Суғурталовчи томонидан суғурта товони тўланган ёки тўланадиган бўлса, суғурта мукофоти қайтарилмайди.

VIII БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

а) Суғурталанган шахсни унинг ва Суғурталовчининг розилиги билан алмаштириши;
б) суғурта шартномасида кўрсатилган Наф олувчини Суғурталовчини хабардор қилган ҳолда бошқа шахсга алмаштириш. Суғурталанган шахснинг розилиги билан Наф олувчини алмаштириш фақат мазкур шахснинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Наф олувчи, агар у суғурта шартномаси бўйича маълум бир мажбуриятни бажарган бўлса ёки Суғурталовчига суғурта тўлови талаби билан мурожаат этган бўлса, бошқа шахс билан алмаштирилиши мумкин эмас.

8.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

а) суғурта шартномасини тузиш пайтида Суғурталовчига суғурта ҳодисаси рўй бериши эҳтимолини ва у юз берса қанча зарар етиши мумкинлигини аниқлашда сезиларли аҳамиятга эга, унга маълум бўлган барча ҳолатлар ҳақида хабар бериш;

б) суғурта шартномаси амалда бўлган даврда Суғурталовчига суғурта шартномасини тузиш пайтида хабар қилинган тафсилотларнинг унга маълум бўлган сезиларли ўзгаришлари ҳақида хабар бериш. Ариза-сўровномада кўрсатилган маълумотларнинг ўзгариши сезиларли ўзгаришлар деб ҳисобланади;

в) бахтсиз ҳодиса содир бўлганда у содир бўлган пайтдан бошлаб 30 (ўттиз) суткадан кечиктирмай Суғурталовчини унинг содир бўлганлиги ҳақида хабардор қилиш;

г) суғурта шартномаси тузилганда Суғурталанган шахсни ва Наф олувчини ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириш;

д) Суғурталанган шахсга суғурта шартномаси ҳақида маълумот тақдим этиш.

8.3. Суғурталанган шахснинг ҳуқуқлари:

а) суғурта шартномасини тузиш пайтида Наф олувчини тайинлаши;

б) суғурта шартномаси амалда бўлган даврда Суғурта қилдирувчига Наф олувчини алмаштиришни сўраб мурожаат этиши;

в) Суғурта қилдирувчидан суғурта шартномаси ҳақида маълумот беришни сўраши;

г) суғурта ҳодисаси рўй берганда унинг фойдасига тузилган суғурта шартномаси бўйича Суғурталовчи мажбуриятларининг бажарилишини талаб қилиши.

8.4. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

а) Суғурталанган шахс ёки Наф олувчи суғурта тўловини талаб қилганда Суғурталанган шахс ёки Наф олувчидан суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларини, шу жумладан Суғурта қилдирувчи зиммасида бўлган, лекин у бажармаган мажбуриятларни бажарилишини талаб қилиш. Мажбуриятларни бажарилмаслиги ёки ўз вақтида бажарилмаслиги қалтислиги Суғурталанган шахс ёки Наф олувчи зиммасидадир;

б) суғурта шартномасини тузиб бўлгандан кейин Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига Суғурта шартномасини тузаётганда ёлғон маълумотларни тақдим этганлиги аниқланса, Суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолатларнинг қўлланилишини талаб қилиш.

Агар Суғурта қилдирувчи хабар қилмаган ҳолатлар ўтиб кетган бўлса, Суғурталовчи суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди.

в) Суғурталанган шахсга ўзининг ишончли шифокор-мутахассисини унинг аҳволини текшириш ва касаллик тарихини ўрганиш учун юбориш;

г) агар Суғурта қилдирувчи ёки Суғурталанган шахс ёки Наф олувчи рўй берган бахтсиз ҳодиса ҳақида Суғурталовчига ўз вақтида хабар бермаса, суғурта ҳодисаси рўй берганлигини, шунингдек рўй берган натижа билан бу ҳодисанинг боғлиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмаса ёки олдиндан нотўғри эканлиги маълум бўлган далил ва исботларни тақдим этса, Суғурталовчининг шифокор-мутахассиси жабрланган шахсни кўриқдан ўтказишига имконият бериш чораларини кўрмаса суғурта товонини тўлашни рад этиш;

д) қалтислик ошишига олиб келувчи ҳолатлар ҳақида хабар топганда, суғурта шартномасининг шартларини ўзгартиришни ёки қўшимча суғурта мукофоти тўлашни талаб қилиш.

8.5. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

а) Суғурта қилдирувчига суғурта мукофоти тўлангандан сўнг уч кунлик муддат ичида суғурталаш қоидалари билан биргаликда суғурта полисини бериш;

б) суғурта ҳодисаси рўй берганда Суғурталанган шахсга ёки Наф олувчига Суғурта шартномасида кўрсатилган тартиб ва муддатларда суғурта тўловини амалга ошириш;

в) ўзининг касбий фаолияти натижасида Суғурта қилдирувчи, Суғурталанган шахс ва Наф олувчи ҳамда уларнинг мулкый аҳволи ҳақида олган маълумотларни ошкор қилмаслик.

IX БЎЛИМ. ДАЪВОНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

9.1. Суғурталовчи суғурта тўловини Суғурталанган шахснинг ёки Наф олувчининг суғурта ҳодисаси ҳақидаги ёзма аризасига илова қилинган, 9.2-бандда кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширади.

9.2. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

9.2.1. Суғурталанган шахс билан бахтсиз ҳодиса содир бўлганда:

- суғурта полиси;
- Суғурталанган шахснинг паспорти ёки туғилганлиги ҳақида гувоҳнома;
- касаллик тарихидан (даволаниш дафтаридан) кўчирма;
- ТМЭК маълумотномаси (зарур ҳолларда);
- Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда унинг ўлими ҳақидаги гувоҳнома;
- Наф олувчининг паспорти (зарур ҳолларда).

9.2.2. Суғурталанган шахснинг мол-мулкига зарар етганда:

- суғурта полиси;
- Суғурталанган шахснинг паспорти ёки туғилганлиги ҳақида гувоҳнома;
- зарур ҳолларда тегишли ваколатли давлат идораларидан (ёнгин хавфсизлиги хизматлари ва б.) мол-мулкнинг зарарланиши, шикастланишининг келиб чиқиш сабабларини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли.

9.3. Суғурталовчи 9.2-бандда кўрсатилган тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг 15 (ўн беш) кун ичида суғурта ҳодисасини тан олиш ёки тан олмаслик ҳақида қарор қабул қилади.

9.4. Агар суғурта ҳодисаси рўй берганлиги муносабати билан Суғурталанган шахс ёки Наф олувчига нисбатан жиноий иш қўзғатилган ёки суд жараёни бошланган бўлса, суғурта тўлови ҳақидаги қарорни қабул қилиш жиноий иш ёки суд жараёни тугагунга қадар қолдирилади.

Х БЎЛИМ. СУЎРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу Шартноманинг 4.1.1. бандида кўрсатилган суғурта ҳодисаси содир бўлиши билан боғлиқ суғурта товонининг миқдори “Суғурта тўловлари жадвали”га мувофиқ суғурта пулига нисбатан фоизда аниқланади ва шахсий суғурта пули доирасида тўланади.

10.2. Бир бахтсиз ҳодиса оқибатида турли ташхислар билан таърифланувчи бир нечта травматик жароҳат олинганда, суғурта тўловининг миқдори ҳар бир травматик жароҳат бўйича тўловларнинг йиғиндисини ташкил қилиб, ушбу Шартноманинг 1-Иловасида кўрсатилган мазкур Суғурталанган шахс учун белгиланган шахсий суғурта пулидан ошиши мумкин эмас.

10.3. Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, суғурта товонининг миқдори ушбу Шартноманинг 1-Иловасида кўрсатилган Суғурталанган шахс учун белгиланган шахсий суғурта пулининг 100% ни ташкил қилади. Суғурта товони Наф олувчига тўлаб берилади.

10.4. Ушбу Шартноманинг 4.1.2. бандида кўрсатилган суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида етказилган зарар қуйидаги тартибда қопланади:

10.4.1. суғурталанган мол-мулк тўлиқ нобуд бўлганда – суғурта шартномаси тузилган санадаги зарар етказилган мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати миқдорида, аммо ушбу Шартноманинг 2-Иловасида кўрсатилган суғурта пулидан кўп бўлмаган ҳолда;

10.4.2. суғурталанган мол-мулк шикастланганда (қисман бузилганда) – тиклаш харажатлари миқдорида, аммо ушбу Шартноманинг 2-Иловасида кўрсатилган суғурта пулидан кўп бўлмаган ҳолда;

10.5. Агар ушбу Шартномага мувофиқ суғурта пули Шартнома тузилган санада белгиланган суғурта қийматидан паст миқдорда белгиланган бўлса, Суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи кўрган зарарларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936-моддасига мувофиқ суғурта пулининг суғурта қийматига бўлган нисбатга мутаносиб равишда қоплаши шарт.

10.6. Тиклаш харажатлари қуйидагилардан ташкил топади:

а) таъмирлаш (тиклаш) учун материаллар ва эҳтиёт қисмларга харажатлар;
б) таъмирлаш ишларининг ҳақини тўлаш харажатлари;
в) суғурталанган мулкни унинг суғурта ҳодисасидан олдинги ҳолатигача тиклаш учун зарур бўлган материалларни таъмирлаш жойига етказиб бериш харажатлари.

10.7. Тиклаш харажатларига қуйидагилар кирмайди:

а) суғурталанган мулкни яхшилаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар;
б) вақт ўтиши билан таъмирлаш ёки ёрдамчи таъмирлаш харажатларидан келиб чиққан харажатлар;
в) заруридан ортиқ бошқа ҳар қандай харажатлар.

10.8. Суғурта товони Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги тан олинган кундан бошлаб ва Суғурталанган шахс/Наф олувчи Суғурталовчи талаб этган барча ҳужжатларни тақдим этганидан сўнг 15 (ўн беш) кун ичида тўлаб берилади.

10.9. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори Суғурта қилдирувчи/Наф олувчига суғурта товонини тўлашни сўраб мурожаат этгандан сўнг 15 (ўн беш) банк кунидан кечиктирмай хабар берилиши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

XI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

11.1. Мазкур шартнома матнида ҳал қилинмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган барча низо ва келишмовчиликлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

11.2. Келишмовчиликлар ва низоларни музокара йўли билан ҳал этишга эришилмаган тақдирда, низолар ЎЗР ФПКнинг 36-моддасига мувофиқ Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро суди томонидан ҳал қилинади.

ХII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Томонлар ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим бўлган даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар ҳисобланадилар.

ХIII. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Томонларнинг ушбу Қоидалар ва Полисда баён этилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.